

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШ БАНКЛАР БАРҚАРОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10629477>

Муродов Аброр Азаматович

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майда қабул қилинган “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли Фармони банк фаолиятини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган муҳим қадам бўлди.

Ушбу қарорга асосан, молиявий хизматларнинг оммаболигини ошириш, банкларнинг ҳудудларга кириб боришини кенгайтириш ва барча ахоли пунктларида бир хил турдаги хизматлар кўрсатилишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилиши белгиланган.

Шу жумладан, молия бозорида тенг рақобат шароитларини яратиш, кредитлашни фақат бозор шартлари асосида амалга ошириш, банкларнинг давлат ресурсларига қарамлигини пасайтириш, банк хизмати кўрсатишни модернизация қилиш, банкларнинг самарали инфратузилмасини яратиш ва фаолиятини автоматлаштириш, шунингдек, банклар фаолиятига хос бўлмаган функцияларни босқичма-босқич бекор қилиш орқали банк тизимининг самарадорлигини ошириш, кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш, мувозанатлашган макроиктисодий сиёsat юритиш, корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва халқаро амалий тажрибага эга бўлган менежерларни жалб қилиш, молиявий таваккалчиликларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш орқали банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш назарда тутилди¹³⁵.

Ушбу ўзгаришлар пухта ишлаб чиқилган, йўналишлар аниқ белгилаб олинган стратегия асосида амалга оширилади.

Бундан ташқари Ўзбекистон республикаси Президенти ҳамда ҳукумат томонидан банк-молия сектори фаолиятини оптималлаштириш бўйича қатор қарорлар қабул қилинган:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Валюта сиёsatини

¹³⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли Фармони

либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли фармонига асосан юридик ва жисмоний шахсларнинг чет эл валютасини эркин сотиб олиш ва сотиш ҳамда ўз маблағларини ўзининг хоҳишига кўра эркин тасарруф этиш ҳуқуқларини рӯёбга чиқаришни тўлиқ таъминланди ҳамда хорижий валютани бозор курсида айирбошлиш учун тенг ва шаффоф шароитлар яратилди¹³⁶;

- Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли қарорига асосан рақамли ва илгор технологиялар ҳамда хорижий тажрибалардан фойдаланган ҳолда банк-молия тизимини янада ривожлантириш, капиталлашув даражасини ошириш, иқтисодиётни кредитлаш қўламини кенгайтириш, ликвидликни ошириш, ҳатарларни бошқариш тизимини такомиллаштириш, банк хизматларини инновацион ривожлантириш каби йўналишларни ўз ичига олган комплекс чора-тадбирлар белгиланган¹³⁷;

- “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 24 мартағи ПҚ-3620-сонли қарорига асосан банк хизматлари самарадорлигини ошириш, кредитлаш механизмини тубдан ўзгартириш, тўлов тизими ва пластик карталар орқали тўлов тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари белгиланган¹³⁸.

Гарчи Ўзбекистон банк тизими 31 йил давомида сезиларли даражада ўзгаришларни амалга оширган бўлсада, глобал банк тизимининг доимий такомиллашиб бориши бугунги Ўзбекистон банк тизиминида маълум ўзгаришларни талаб этмоқда.

Юқорида айтиб ўтилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли қарори билан тасдиқланган “2020 – 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси”га асосан банк тизимини слоҳ қилишдаги асосий йўналишлар сифатида қўйидагилар белгилаб олинган:

- молия бозорида тенг рақобат шароитларини яратиш, факатгина бозор талаблари асосида кредитлаш, банкларнинг давлат ресурсларига бўлган қарамлигини камайтириш, банк хизматларини модернизация қилиш, самарали инфратузилма яратиш ва банклар фаолиятини автоматлаштириш, шунингдек, банкларнинг асосий фаолият тури билан боғлиқ бўлмаган

¹³⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПҚ-5177-сонли қарори

¹³⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли қарори

¹³⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 мартағи ПҚ-3620-сонли қарори

функцияларини босқичма-босқич бекор қилиш орқали банк тизимиning самарадорлигини ошириш;


- кредит портфели сифати ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмлари ўсишининг мӯътадил даражасига амал қилиш, мувозанатлашган макроиктисодий сиёsat юритиш, корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва халқаро миқёсда амалий тажрибага эга бўлган менежерларни жалб қилиш, молиявий таваккалчиликларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш орқали банк тизимиning молиявий барқарорлигини таъминлаш;

- давлат улуши мавжуд бўлган тижорат банкларини комплекс трансформация қилиш, банк ишининг замонавий стандартларини, ахборот технологияларини ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш, банклардаги давлат акциялари пакетини зарур тажриба ва билимга эга бўлган инвесторларга танлов савдолари асосида сотиш, шунингдек, давлат улуши мавжуд бўлган тижорат банклари ва корхоналарни бир вақтнинг ўзида ислоҳ қилиш орқали банк секторида давлатнинг улушини камайтириш;

- етарли даражада хизмат кўрсатилмаётган ва заиф қатламларда давлат иштирокини кўпайтириш ва манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш, аҳоли ва кичик бизнес учун масофавий хизматларни кенг жорий қилиш, камхарж хизмат қўрсатиш нуқталари тармоғини ривожлантириш, шунингдек, республиканинг ягона молия тизимидағи ўзаро тўлдирувчи қисм сифатида нобанк кредит ташкилотларининг шаклланиши ва ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш орқали молиявий хизматлар оммабоплигини ва сифатини ошириш¹³⁹.

Шунингдек, Ҳозирда тижорат банклари томонидан қўлланилаётан рақамли технологияларини бир шартли равишда тўртта турда таснифлаш мумкин. Булар маълумотларни қайта ишлаш, визуал технологиялар, коммуникацион, электрон технологиялардан ташкил топади (1-расм).

¹³⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли Фармони



1-расм. Тијорат банкларида рақамли технологиялар таснифи¹⁴⁰

Банклар трансформацияси орқали аҳоли учун, шу жумладан жисмоний ва юридик шахслар учун тақдим этиладиган молиявий маҳсулотлар фойдаланишга жуда содда ва қулай шаклға келиши керак. Бунда ИТ технологияларнинг кенг йўлга қўйилиши билан бир қаторда ходимларнинг малакасидан тортиб муомаласигача ўзгариши, янгида ёндашувларга мос бўлиши жуда муҳимдир.

Шундай қилиб, “банк хизмати” категориясини муаллифлар замонавий илмий қарашларига биноан таснифлаш таҳлили шуни кўрсатдики, илмий тадқиқотлар тақдим этиш технологияси бўйича таснифлаш масаласида ягона бир нуқтаи назар ҳали ишлаб чиқилмаган. Трансформациянинг амалга оширилиши ўз навбатида амалдаги анъанавий банклардаги мавжуд операцион ва ликвидлик ҳатарларининг янги тус олиши ва бошқа турдаги ҳатарларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Трансформациянинг таъсирида банк фаолиятида қўйидаги ҳатарлар пайдо бўлиши аниқланди:

1. Стратегик ҳатар. Молия бозорига янги ва инновацион банкларнинг, шу жумладан молия институтларининг кириб келиши оқибатида регуляторлар томонидан янги чекловлар жорий қилиниш эҳтимоли мавжуд. Бу эса ўз навбатида фаолиятнинг даромадлилигига таъсир қиласди.

2. Операцион ҳатарлар. Банк фаолиятида замонафий бир турдаги технологияларнинг бошқа банкларда хам жорий қилиниши билан боғлиқ

¹⁴⁰ Эскиндаров М. А., Соловьев В. И., ред. Парадигмы цифровой экономики: Технологии искусственного интеллекта в финансах и финтехе. М.: Когито-Центр; 2019. 325 с.

ҳатарлар. Бунга мисол тариқасида “ИАБС” банк тизимининг Ўзбекистондаги қатор банклар фаолиятига кириб боришини айтишимиз мумкин. Мазкур ҳолатда, айнан бир ташкилот, ёки ўзаро алоқадор бир гурӯҳ ташкилотларга тизимнинг боғланиб қолиш ўзи билан қатор юқори ҳатарларни келтириб чиқаради.

3. Ички назорат ва ҳавфсизлик тизимининг мураккаблашиши билан боғлиқ ҳатарлар. Юқоридаги бобда келтирилган стратегия доирасида Р2В/В2В платформаларини тадбиқ қилиш келтирилган бўлиб, музкур платформа яратилиши орқали банк маълумотлари учинчи шахсларга чиқиб кетиши ҳатарлари мавжуд. Шунингдек, банк маҳсулотларининг рақамлаштирилиши ўзига хос кибер хужум каби ҳатарларни келтириб чиқаради.

Ernst&Young томонидан банклар орасида ўтказилган сўровномага асосан, мижозларнинг шахсий маълумотларини йўқотиш борасида банкларда хавотир ва ҳатарлар юқорилиги аниқланди¹⁴¹:

1-жадвал.

**Ernst&Young томонидан банклар орасида ўтказилган сўровнома
(манба: Ernst&Young расмий вэб саҳифаси)**

¹⁴¹ Ernst&Young Global Bank Risk Management Survey



Тарнсформация стратегияси чора-тадбирларини амалга оширишда, шу жумладан ҳатарларни бошқариш бўлинмалари фаолиятини оптимизация қилишда қатор муаммолар мавжуд.

Юқоридаги таҳлилларга кўра йирик банкларда янгиликлар (ноу-хау) жорий этилиши қийинчиликлар билан амалга оширилиши сабабали, стратегия амалга оширилишида айрим чора-тадбирларнинг тармоқ жадвалидан ортда қолиши қатор муаммоларни келтириб чиқаради.

Хулоса ўринда, шуни таъхидлаш лозимки банк тизимида, банкда инновацион технологияларни жорий қилиши ўз имкониятларидан келиб чиқиб амалга оширилиши каби, йирик банкларда ушбу технологиялар ва ўзгаришлар учун етарли ресурслар мавжуд бўлади, бироқ айнан йирик банкларда янгиликлар (ноу-хау) жорий этилиши қийинчиликлар билан амалга оширилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

- “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конунуни (Ўзбекистон Республикаси қонунчилик миллий базаси 05.11.2019 йилдаги ЎРҚ-580-сон).
- Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А. Каримовнинг “Жаҳон молиявийиқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф

этишнинг йўллари ва чоралари" асари – 2009 йил.

3. Халқаро валюта фондининг расмий вэб саҳифасида чоп этилган мақола – 2020 йил. (<https://www.imf.org/ru/News/Articles/2020/04/20/blog-md-a-global-crisis-like-no-other-needs-a-global-response-like-no-other>).

4. Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги манбаларига асосан (<https://uza.uz/uz>)

5. Ўзмиллийбанкнинг 2021 йил якуни бўйича ҳисоботи ва расмий вэб саҳифасидаги маълумотлар (<https://nbu.uz/to-shareholders-and-investors/>).

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли Фармони (<https://www.norma.uz/>).

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПҚ-5177-сонли қарори (<https://www.norma.uz/>). Банк назорати бўйича Базель қўмитасининг 2018 йил якуни бўйича ҳисоботи.

8. Ernst&Young томонидан банклар орасида ўтказилган сўровнома, расмий вэб саҳифаси.

9. Е.В.Лагунинанинг "Рақамли иқтисодиётини ривожлантиришда банкларни трансформация қилиш" номли илмий иши.

10. Жаҳон банкининг 2021 йилдаги ҳисоботи.

11. Марказий банки томонидан Миллий матбуот марказида ўтказилган матбуот анжуманидаги ҳисоботи.